



О'ZBEKISTON RESPUBLIKASI VAZIRLAR MAHKAMASINING QARORI

20 20 yil « 9 » октябрь

№ 637

Toshkent sh.

**Давлат органлари ва ташкилотлари томонидан йўлланувчи
хат-хабарларни етказиб бериш, етказилганлигини тасдиқлаш,
маълумотларни сақлаш ва ҳисобга олишнинг ягона миллий
тизимини жорий этиш чора-тадбирлари тўғрисида**

Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Рақамли иқтисодиёт ва электрон хукуматни кенг жорий этиш чора-тадбирлари тўғрисида” 2020 йил 28 апрелдаги ПҚ-4699-сон қарори ижросини таъминлаш, шунингдек, замонавий ахборот технологияларини жорий этиш орқали давлат бошқаруви органлари, маҳаллий ижро этувчи ҳокимият органлари, давлат корхоналари, муассасалари, ташкилотлари, суд ва хукуқни муҳофаза қилувчи органлар (кейинги ўринларда – давлат органлари ва ташкилотлари) томонидан юридик ва жисмоний шахслар номига йўлланувчи хат-хабарлар, хабарномалар, чақирув қоғозлари ва бошқа юридик хужжатларни почта алоқаси объектлари тармоғи орқали етказиб бериш жараёнини такомиллаштириш мақсадида Вазирлар Маҳкамаси қарор қиласи:

1. Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Рақамли иқтисодиёт ва электрон хукуматни кенг жорий этиш чора-тадбирлари тўғрисида” 2020 йил 28 апрелдаги ПҚ-4699-сон қарорига мувофиқ Ўзбекистон Республикаси Ахборот технологиялари ва коммуникацияларини ривожлантириш вазирлиги томонидан Давлат органлари ва ташкилотлари томонидан йўлланувчи хат-хабарларни етказиб бериш, етказилганлигини тасдиқлаш, маълумотларни сақлаш ва ҳисобга олишнинг ягона миллий тизими (кейинги ўринларда – Ягона миллий тизим) яратилганлиги маълумот учун қабул қилинсин.

2. Куйидагиларни назарда тутувчи Давлат органлари ва ташкилотлари томонидан йўлланувчи хат-хабарларни етказиб бериш, етказилганлигини тасдиқлаш, маълумотларни сақлаш ва ҳисобга олишнинг ягона миллий тизими тўғрисидаги низом иловага мувофиқ тасдиқлансин:

хат-хабарларни етказиб бериш, етказилганлигини тасдиқлаш, маълумотларни сақлаш ва ҳисобга олишнинг ягона миллий тизими бўйича умумий қоидалар;

ягона миллий тизим орқали почта жўнатмаларини юбориш тартиби;

ягона миллий тизим орқали почта жўнатмаларини етказиш тартиби;
ахборот хавфсизлигини таъминлаш тартиби.

3. “Ўзбекистон почтаси” акциядорлик жамияти Ягона миллий тизим оператори этиб белгилансин.

4. Ўзбекистон Республикаси Ахборот технологиялари ва коммуникацияларини ривожлантириш вазирлиги:

бир ой муддатда Ягона миллий тизимдан фойдаланилган ҳолда почта жўнатмаларини етказиб бериш назорат муддатларини тасдиқласин;

доимий равища почта жўнатмаларининг хавфсизлиги ва ёзишмалар сири таъминланган ҳолда қабул қилувчиларга белгиланган муддатларида етказиб берилишини назоратга олсин.

5. Вазирликлар, идоралар, маҳаллий ижро этувчи ҳокимият органлари, бошқа давлат органлари ва ташкилотлари:

Ўзбекистон Республикаси Ахборот технологиялари ва коммуникацияларини ривожлантириш вазирлиги билан биргаликда идоравий ахборот тизимларини Ягона миллий тизим билан интеграция қилиш орқали жисмоний ва юридик шахслар номига почта жўнатмаларини ушбу тизимдан фойдаланилган ҳолда юборишни жорий этсин;

ҳар йили келгуси йил учун харажатлар сметасини шакллантиришда почта жўнатмаларини Ягона миллий тизимдан фойдаланган ҳолда юбориш учун маблағлар назарда тутилишини таъминласин;

юридик ва жисмоний шахслар номига йўлланувчи хуқуқий жиҳатдан аҳамиятли бўлмаган хат-хабарларни етказиб бериш жараёнини босқичмабосқич тўлиқ электрон шаклга ўтказиш чораларини кўрсин.

6. Ўзбекистон Республикаси Ахборот технологиялари ва коммуникацияларини ривожлантириш вазирлиги манфаатдор вазирликлар ва идоралар билан биргаликда ўzlари қабул қилган нормативхуқуқий хужжатларни бир ой муддатда ушбу қарорга мувофиқлаштирасин.

7. Ушбу қарорнинг бажарилишини назорат қилиш Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг маслаҳатчиси – IT-технологиялар, телекоммуникациялар ва инновацион фаолиятни ривожлантириш масалалари департаменти бошлиғи О.М. Умаров ҳамда Ўзбекистон Республикаси ахборот технологиялари ва коммуникацияларини ривожлантириш вазири Ш.М. Садиков зиммасига юклансин.

Ўзбекистон Республикасининг
Бош вазири



А. Арипов

Вазирлар Маҳкамасининг
2020 йил “9” октябрдаги 637-сон қарорига
илова

**Давлат органлари ва ташкилотлари томонидан
йўлланувчи хат-хабарларни етказиб бериш, етказилганлигини
тасдиқлаш, маълумотларни сақлаш ва ҳисобга олишнинг
ягона миллий тизими тўғрисида
НИЗОМ**

1-боб. Умумий қоидалар

1. Ушбу Низом давлат бошқаруви органлари, маҳаллий ижро этувчи ҳокимият органлари, давлат ташкилотлари, суд ва ҳукуқни муҳофаза қилувчи органлар (кейинги ўринларда – давлат органлари ва ташкилотлари) томонидан жисмоний ва юридик шахслар номига йўлланувчи хат-хабарлар, хабарномалар, чақирув қоғозлари ва бошқа юридик ҳужжатларни (кейинги ўринларда – почта жўнатмалари) Ягона миллий тизимдан фойдаланилган ҳолда почта алоқаси обьектлари тармоғи орқали етказиб бериш тартибини белгилайди.

2. Ушбу Низом талаблари давлат органлари ва ташкилотлари томонидан ўзаро алмашинувчи, шу жумладан, “Ijro.gov.uz” ижро интизоми идоралараро ягона электрон тизими орқали электрон алмашинувчи хат-хабарлар ва ҳужжатларга, суд ва ҳукуқни муҳофаза қилувчи органларнинг жиноят, маъмурий, фуқаролик ҳамда иқтисодий ишлар, терговга қадар текширув, хизмат текшируви ва шу каби тўпланган ҳужжатларига ҳамда давлат сирлари ёки тарқатилиши қонун билан чекланувчи бошқа маълумотларга эга ҳужжатларга, шунингдек, хорижий давлатларга йўлланадиган почта жўнатмаларига, бундан ташқари юридик ва жисмоний шахсларнинг ўз хоҳишларига кўра жавоб хатларини уларнинг электрон почта манзилига юборилишини сўраб қилган мурожаатларига нисбатан татбиқ этилмайди.

3. Мазкур Низомда кўйидаги асосий тушунчалар қўлланилади:

почта алоқаси боғламалари – почта йўналишларининг кесишган ёки туташган пунктида жойлашган, бириткирилган худудда почта жўнатмаларини жўнатиш ва етказиб бериш (топшириш), почтага ишлов бериш ва унинг алмашинуви бўйича ўзаро боғлик вазифалар бажарилишини таъминловчи почта алоқаси обьекти;

почта алоқаси обьектлари – почта алоқаси операторларининг алоҳида бўлинмалари (почтамтлар, почта алоқаси боғламалари, бўлимлари, пунктлари, шунингдек, бошқа бўлинмалар);

Ягона миллий тизим – хат-хабарлар, хабарномалар, чақирув қоғозлари ва бошқа юридик ҳужжатларнинг электрон тарзда қабул қилиниши ҳамда тегишли почта алоқаси боғламаси томонидан қоғоз

кўринишида чоп этилиб, кўрсатилган манзиллар бўйича почта алоқаси объектлари тармоғи орқали етказиб берилишини, етказилганлигини тасдиқлашни, маълумотларни сақлаш ва ҳисобга олишни таъминловчи ахборот тизими;

қабул қилувчи – хат-хабарлар, хабарномалар, чақирув қоғозлари ва бошқа юридик ҳужжатлар юборилган юридик ёки жисмоний шахс.

4. Давлат органлари ва ташкилотлари томонидан қуидаги почта жўнатмалари Ягона миллий тизим орқали йўлланади:

юридик ва жисмоний шахслар номига юборилувчи хат-хабарлар, шу жумладан, улар томонидан йўлланган мурожаатларга ёзилган жавоб хатлари;

тўлов хабарномалари ва билдиришномалар;

чақирув қоғозлари, суд хабарномалари ва процессуал ҳужжатлар;

давлат хизматларини кўрсатишнинг натижалари;

маъмурий хукуқбузарлик содир этганлик учун жаримага тортиш тўғрисидаги қарорлар.

5. Ягона миллий тизимдан фойдаланилган ҳолда почта жўнатмаларини етказиб бериш ва тизим орқали кўрсатилувчи қўшимча хизматлар Ягона миллий тизим оператори томонидан шартнома асосида амалга оширилади.

2-боб. Ягона миллий тизим орқали почта жўнатмаларини юбориш тартиби

6. Почта жўнатмаларини Ягона миллий тизим орқали етказиб бериш ушбу Низомга иловага мувофиқ схема бўйича амалга оширилади.

7. Давлат органлари ва ташкилотларида мавжуд ахборот тизимларини, шу жумладан, электрон ҳужжат айланиши тизимларини Ягона миллий тизимга интеграция қилиш орқали почта жўнатмаларини юбориш амалга оширилади.

Ягона миллий тизим, шунингдек, “Ijgo.gov.uz” ижро интизоми идоралараро ягона электрон тизимига интеграция қилинади, давлат органлари ва ташкилотларига ушбу тизимдан фойдаланган ҳолда Ягона миллий тизим орқали почта жўнатмаларини юбориш имконияти яратилади.

8. Давлат органлари ва ташкилотларида почта жўнатмаларини электрон шаклда Ягона миллий тизим орқали юборишнинг имконияти бўлмаган ҳолларда ушбу давлат органлари ва ташкилотларининг хоҳишига кўра почта жўнатмалари Ягона миллий тизим операторининг почта алоқаси объектларида қоғоз кўринишида қабул қилиниши мумкин. Қоғоз кўринишида қабул қилинган почта жўнатмалари Ягона миллий тизим оператори томонидан қўшимча ҳақ эвазига электрон шаклга ўтказилиб Ягона миллий тизимга киритилади.

3-боб. Ягона миллий тизим орқали почта жўнатмаларини етказиш тартиби

9. Ягона миллий тизимга электрон тарзда тушган (ўзаро келишилган форматдаги) почта жўнатмаларини юклаш ва кейинги ишлов бериш жараёнида давлат органлари ва ташкилотларига берилган штрих коддан фойдаланилади, шунингдек, почта жўнатмалари автоматик равища тегишли манзиллар бўйича почта алоқаси боғламаларига тарқатилади.

10. Тегишли почта алоқаси боғламаларига электрон шаклда тушган почта жўнатмалари қоғоз кўринишида чоп этилиб, бошқа почта жўнатмаларидан фарқланиб турадиган маҳсус почта конвертига жойлаштирилади ёки конвертсиз кўрсатилган манзиллар бўйича жўнатилади ва қабул қилувчиларга назорат муддатларида етказиб берилади.

11. Почта жўнатмаларини қабул қилувчиларга топшириш қонунчиликда белгиланган талабларга мувофиқ амалга оширилади.

12. Агар қабул қилувчи унинг номига келадиган почта жўнатмаларини электрон шаклда олиш тўғрисида почта алоқаси обьектларига ёзма равища мурожаат қилган бўлса, у ҳолда почта жўнатмаси электрон шаклда қабул қилувчи томонидан кўрсатилган электрон почта манзилига юборилиши мумкин.

13. Почта жўнатмалари етказиб берилганлиги ёки етказиб берилмаганлиги сабаблари ва бошқа маълумотлар тегишли почта алоқаси боғламаси томонидан Ягона миллий тизимга мунтазам равища киритилиб борилади.

14. Ҳар бир почта жўнатмаси тўғрисидаги маълумот унга тақдим қилинган штрих код орқали Ягона миллий тизимдан онлайн кузатиб борилиши мумкин.

15. Қоғоз кўринишида чоп этилган почта жўнатмаларини қабул қилувчиларга етказиб беришнинг имконияти бўлмаган ҳолларда ушбу почта жўнатмалари почта алоқаси боғламасида олти ой давомида сақланади.

Сақлаш муддати тугаганидан сўнг ҳужжатлар уларни жўнатган корхоналар, муассасалар ва ташкилотларнинг талабларига биноан қайтарилади, талаб қилиб олинмаган хат-хабарлар ва ҳужжатлар тегишли далолатнома тузилиб, йўқ килинади.

16. Давлат органлари ва ташкилотлари томонидан электрон шаклда юборилган почта жўнатмалари қачон ва кимга топширилганлиги ёки топширилмаганлиги сабаблари ҳамда почта жўнатмаларининг электрон шаклдаги маълумотлари Ягона миллий тизимда бир йил давомида сақланади.

Тизимда сақлаш муддати тугаганидан сўнг ушбу почта жўнатмаларининг электрон шаклдаги маълумотлари дастурий равища

архивланиб, белгиланган муддатда сақлаш учун идоравий архивга топширилади.

4-боб. Ягона миллий тизимда ахборот хавфсизлигини таъминлаш тартиби

17. Ягона миллий тизим оператори тизим орқали почта алоқаси хизматларини кўрсатишда фойдаланиладиган ахборот тизимлари ва ахборот ресурсларининг ахборот хавфсизлигини, тизимда шахсга доир маълумотлар, шунингдек, почта жўнатмаларидағи маълумотларнинг муҳофаза қилинишини таъминлайди.

18. Ягона миллий тизимда сақланадиган почта жўнатмаларидан фақат уларни юборган давлат органлари ва ташкилотларининг, шунингдек, қабул қилувчининг розилиги билан ушбу почта жўнатмаларига ишлов бериш, уларни юбориш ва олиш учун фойдаланилади, бундан қонун ҳужжатларида белгиланган ҳолатлар мустасно.

4-боб. Якунловчи қоидалар

19. Ушбу Низом талабларини бузганликда айбдор бўлган шахслар қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда жавоб берадилар.

20. Ушбу Низом билан тартибга солинган масалалар бўйича пайдо бўладиган низолар қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда ҳал этилади.

Давлат органлари ва ташкилотлари томонидан
йўлланувчи хат-хабарларни етказиб бериш,
етказилганлигини тасдиқлаш, маълумотларни
сақлаш ва ҳисобга олишнинг ягона миллий
тизими тўғрисидаги низомга
илова

**Давлат органлари ва ташкилотлари томонидан йўлланадиган хат-хабарлар,
хабарномалар, чақирув қоғозлари ва бошқа юридик хужжатларни
Ягона миллий тизим орқали етказиб бериш
СХЕМАСИ**

Босқичлар	Субъектлар	Тадбирлар	Бажариш муддатлари
1-bosqich	Давлат органлари ва ташкилотлари	<ol style="list-style-type: none">Ягона миллий тизимдан фойдаланган ҳолда почта жўнатмаларини жўнатиш учун тизим оператори билан шартнома тузадилар.Ягона миллий тизимга интеграция қилинадилар.	Заруратга кўра
2-bosqich	Давлат органлари ва ташкилотлари	<ol style="list-style-type: none">Почта жўнатмаларини Ягона миллий тизим орқали юборадилар.Ягона миллий тизимда почта жўнатмалари тегишли манзиллар бўйича қабул қилувчига хизмат кўрсатувчи почта алоқаси объектларига тарқатилади.	<ol style="list-style-type: none">Электрон шаклдаАвтоматик равища
3-bosqich	Ягона миллий тизим оператори	<ol style="list-style-type: none">Электрон шаклда тушган почта жўнатмалари қоғоз кўринишда чоп этилади.Кўрсатилган манзилга етказиб берилади.	Белгиланган назорат муддатларида
4-bosqich	Давлат органлари ва ташкилотлари	Почта жўнатмаси ҳаракати тўғрисидаги маълумотлар унга тақдим қилинган штрих код орқали Ягона миллий тизимдан кузатиб борилади.	Хоҳишига кўра

